

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАЛД СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 30 май
Чоршанба

Сотувда эркин нархда
№ 105 (2667)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAJLISINING GAZETASI

КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

БИЗДА

Халқаро олимпиада голиблари

Мақтаб ўқувчиларининг Менделеев номидаги Халқаро олимпиадаси ўзининг 35 йиллик санасини нишонлади. Кимё фани бўйича Москвада ўтказиб келинган ўшбу бешинчи ўзбекистонлик талаба ишлари ҳам фаол иштирок этдилар.

Икки нафар иқтидорли ўқувчи Навоий шаҳридаги 19-академик лицей ўқувчиси З. Исоқова ва Тошкентдаги 110-мактаб ўқувчиси В.Столяренко фахри учинчи ўринни кўлга киритдилар.

С. МАХИРОВА.

Бугун пилла, эртага тилла

Наманган вилоятида пилла тайёрлаш шартномаси режаси ушбу йилда қўрилди. Қўрилган 2030 тоннадан зиёд қимматбаҳо саноат хомашиси етказиб берилди.

Тармоқдаги аниқлик — ипак куртини пленка остида парвартиштириш эътибор самарадорлигини таъминлаш имконини берди. Ана шу усулни муваффақиятли қўллаган Наманган туманидаги «Гайрат», Уйчи туманидаги «Бобур», Улуғбек номи, Учкўрғон туманидаги «Учкўрғон» ширкат хўжалиқларида ҳосилдорлик даражаси ортиб, ҳар кўти ҳисобига 60-67 килограмми ташкил этди.

Вилоятда тармоқдан олинган даромад 1 миллиард 171 миллион сўмдан ортиши кутилган.

Қ. НАЖИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Тошкент-ленд»да байрам

«Соғлом авлод учун» халқаро жағғармаси ташаббуси билан «Тошкент-ленд» сайлгоҳида Тошкентдаги Мехрибонлик уйлари, махсус-интернат тарбияланувчилари мириқиб дам олдилар. «Кока-кола» компанияси уларни салқин ичимликлар билан сийлаган бўлса, «Тошхор-хорйулочитронс» ассоциацияси автобуслари улар хизматига бўлди.

Шунингдек, пойтахтимиздаги болалар ижодий гуруҳлари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар, жозибали рақслар кечага янада фусн бахш этди.

Р. ЖАМИЛОВА.

ЖАҲОНДА

«Газпром»га ким келади?

Шу кунларда хориж матбуоти диққат маркази Россиядаги «Газпром» ширкати қарорлиги билан боғлиқ шов-шувларга қаратилган. Кеча «The Financial Times» газетаси мазкур ширкат етакчилиги Россия Бош вазирининг ўринбосари Виктор Христенко (суратда) яқин тўрибди, дея хабар тарқатди. Мольумки, айти пайта «Газпромнинг» ҳозирги раҳбари Рем Вахревичини ўшбу ширкат билан тузган шартнома муддати нихосига етмоқда. Газетада ёзилишича, айти лозимини эгаллаш учун «Роснефть» компанияси етакчиси Сергей Богданович ҳам катта мавқога эга экан. Бироқ В.Христенко бошқа номзодларга нисбатан «Газпромнинг» кўпроқ акцияларига эгалик қилиб келмоқда.



Агар шартномдан чиқилса...

Россиянинг ракетадан мудофаса тизими боросида 1972 йилда имзоланган шартномдан чиқиши эришиш учун АҚШ унга кенг хорижий хамкорлик тақлиф этишига ҳам тайёр. «Нью-Йорк таймс» газетаси Оқ уй расмийларининг маълумотларига таяниб шундай хабар тарқатди. АҚШнинг янги тақлифи Оқ уй раҳбари Жорж Буш ва Россия президенти Владимир Путиннинг 16 июнда Словенияда бўлажак учрашувида қўриб чиқиши мумкин.

Индонезия раҳбари баёнот берди

Индонезия президенти Абдурахмон Воҳид мамлакатда тинчлик ўрнатиш ва тўполонларга йўл қўймаслик учун зарурий чоралар қўриш, жумладан, харбийлашган муассосалар жағғароғи раҳбарлиги ҳалогига келтирилиши кераклигини таъкидлади. Мамлакат мудофаса вазири Махфуд Моҳмудин бу баёнот Индонезияда фақат ушбу ҳолат эълон қилинишини билдирмаслигини айтди.

Халқ Коидзумига хайрихоҳ

Япониянинг янги Бош вазирини Дзюньитиро Коидзуми аҳоли орасида обрўининг баландлиги бўйича барча рекордларини синдирибди. «Мейнити» газетаси ўтказган сўровдан маълум бўлишича, японияликларнинг 87 фоизи унга хайрихоҳ. Улар янги Бош вазир мамлакатда кенг қўлми сийёсат ва иқтисодий ислохотлар ўтказиш тўғрисидаги воқдосини бажаришига ишонапти.

Кимни сайловингиз?

Раис ишонччи оқламади

Юкори Водил қишлоқ фуқаролар йиғини худудининг жаҳубий сарҳадлари қўшни Қирғизистоннинг Қадмажой қишлоғи, бошқа томони эса туман маркази билан туташиб кетган. Ҳақиқий тоғ олди қишлоғи. Шу боис 800 минг киши истикомат қилган бу қишлоқнинг муаммолари ҳам унга яраша.

Бундан олти йил аввал юкори водилликлар Мўйдинжон Мавлоновни ўзларига етакчи қилиб сайлаган эди. Кўпни кўрган раиснинг нафақат қишлоқдаги, тумандаги муаммоларни ҳал қилишга, аҳоли ўртасида тинч-товушлик муҳитини яратишга сафарбар бўлди. Афсуски, ўтган йиллар мобайлида раис нафақат берган вазифаларини, балки олдин инсоний муносабатларни ҳам унутиб қўйди. Сўнгги йилларда эса умуман фуқаролар билан алоқалар узилди. Йилнинг сўзга чиққан Итифок маҳалла оқсоқоли Навоий Исоқовнинг таъбири билан айтганда, «Раиснинг ердан оёғи узилди қолди, вақолати доирасидан вазифалар билан шуғулланиш тугула, аҳоли билан алоқани тамомла узиб юборди».

Нобийжон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Инсон ҳуқуқи — бебаҳо қадрият

Олий Мажлисида

Мамлакат Парламенти Ўзбекистон мустақиллиги мобайлида муҳим қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш билан биргаликда илмий-амалий ва ахборот аҳамиятига эга бўлган бир қатор тадбирларни ҳам амалга ошириб келмоқда. Кеча бу ерда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) институти парламентнинг кўмита ва комиссиялари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказ, Конституциявий суд, Алия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги академияси, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш фонди, Хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказган «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ва инсон ҳуқуқи» мавзусидаги илмий-амалий конференция ҳам ана шулар жумласидандир.

Мамлакат мустақиллиги нафақат Ўзбекистонни дунёга танитиш, шу билан бирга илғор ғояларнинг, халқаро стандартлар ва тажрибаларнинг ҳаётимизга кириб келишига йўл очди. Мустақиллик

шароитида инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бебаҳо инсоний қадрият сифатида янги жаҳоний шакллантиришнинг муҳим белгиларидан бири бўлди. Конференция қатнашчиларининг чиқишида ана шу ҳолатларга алоҳида ургу берилди. Мазкур таъкидланганидек, мустақиллик туғайли фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунчилик йўли билан таъминланиши, мамлакат ҳаётининг калфолати айланади. Конференцияда, шунингдек, ана шу жаҳада туғайли ҳаммамолар ҳақида ҳам фикр юритилди. Зеро, мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан суд тизими ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларида ўтказилган ислохотлар, биринчи навбатда, инсоннинг Конституциявий ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлашга қаратилган. Ана шу мавзода оммавий ахборот воситалари ва жамоат ташкилотлари фаолиятини ислоҳ қилиш муҳим аҳамият касб этади. Аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақида маълумотлар билан қуроллантириш, уларнинг қонунларга амал қилишига кўй нарса боғлиқ. Айти пайтада тўғри шакллантирилган ижтимоий фикр фуқароларнинг турли хил ташкилотлар, давлат органлари билан ҳамкорлик қилишига, жамоатчилик назоратини кучайтиришига йўл очди.

Конференцияда аёллар ва болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б.Бугров сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз.

«Фалла — 2001»

Ҳосил ҳамжиҳатликда йиғиб олинади

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида жорий йил галда ўрим-йиғимига тайёргарликни яқунлаш ва мавсуми ҳўжалиқларда ўрим-йиғим ишлари қизғин паллага кирариб турган шунингдек, қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги таъкидлаши шунингдек, етиштирилган ҳосил нест-нобуд қилинмасдан, ўз вақтида ўриб-йиғиб олинса, хирмонга қўзланган миқдорда дон тўқилади.

Афсуски, барча вилоят ва туманларда ҳам ҳосилни тез ва сифатли ўриб олиш, ўрим комбайнларининг узликсиз ишлашини таъминлаш, давлатга дон сотиш, урулик жағғарис боросида амалга оширилган тадбирларни қонир қилиб бўлмайди. Жумладан, айрим жойларда, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда «Узагрошарвис» уюшмасида вужудга келган аҳолини тегишлича баҳолаб, мавжуд камчиликларга тезда барҳам бериш чора-тадбирлари лухта ишлаб чиқилмаган.

Бу бордаги барча ишларда Вазирлар Маҳкамасининг «2001 йил бошқоқ дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори дастуриямал бўлмоғи лозим.

Мавжуд ишчи кучи, ёқилги-моёлаш материаллари захираси, техника, айтиқса, ўрим машиналаридан тўғри ва умуми фойдаланиш зарур. Бошқоқ дон тайёрлаш бўйича ижарачилар, фермер хўжалиқлари ҳамда тайёрлов ташкилотлари ўртасида имзоланган шартномаларнинг илғий бажарилишини ушдан назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шунингдек, мулоқотда ўрим-йиғим ишларини уюшқоқлик билан ўтказиш таъминлаш билан бир қаторда, гўза парвартишини жадаллаштириш, қатор оралари сифатини ишлов бериш, ўғитлаш, сўғириш тадбирларини мудатли амалга ошириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Бу борда муассадди раҳбарларга аниқ кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Мулоқотда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов, Бош вазир ўринбосарлари Р.Азизов, В.Отаев, М.Усмонов иштирок этдилар.

(ЎзА).

«Сибир битими» билан ҳамкорлик

Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган «Сибир битими» минтақаларо ассоциацияси (МАСС) делегациясининг ташрифи самарали кечмоқда. Делегация раҳбарларини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўткир Султонов қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон ва МАССга кирувчи худудлар ўртасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш йўллари тўғрисида сўз юритилди. Бу ҳақида Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Дмитрий Рюриков матбуот анжуманида хабар қилди.

Делегациянинг таркибиде сайёҳлар йўқ, — дея Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида МАСС ижрония кўмитаси раиси ўринбосари Сергей Тихомиров. — Делегациянинг Сибирнинг ишбилармон доиралари ва саноати ривожланган худудлари маъмуриятлари вакилларидан иборат 60 нафар аъзоси ҳамкорлик тўғрисидаги аниқ тақлифлар билан ташриф буюрган.

Икки кун мобайлида Ўзбекистондаги корпорациялар, компаниялар, уюшмалар, банклар ва айрим корхоналар раҳбарлари билан музокара олиб борилди. Ташриф доирасида Самарқанд шаҳрига бориш кўзда тутилган. У ерда вилоятдаги корхоналар билан бесосита савдо-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш имкониятлари муҳокама қилинади.

Хозиргача аниқ келишувларга ҳам эришилди. Хусусан, Олтой ўлкаси маъмурияти раҳбари ўринбосари Семен Байкаловнинг хабар беришича, жорий йилда Ўзбекистонга «Алтайтрак» очиқ турдаги акционерлик жаҳиятига ишлаб чиқариладиган мингта ер ҳайдовчи трактор етказиб берилди. Улар экишдан олдин, экиш даврида ва экишдан сўнг ишлов беришга мўлжалланган 31 та қишлоқ ҳўжалиги ускуналарига эга модернизацияланган Т-4А гусенишали тракторлардир. Кейинчалик Т-402, Т-404 ва Т-405 тракторларини ҳам хабар қилиш эҳтимоли бор.

Делегация раҳбари, Тува Республикаси президенти, Хукумати раиси, МАСС мувофиқлаштирувчи кенгашининг ташқи алоқалар бўйича раиси Шеригоол Ооржакнинг хабар беришича, делегация ташрифи яқундаги кўра Ўзбекистон ва МАССга аъзо худудлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида баённома имзоланади. Ушбу ҳужжат Узоро ҳамкорлигининг 2005 йилгача бўлган устувор йўналишлари, шунингдек, аниқ лойиҳаларни ўз ичига олади.

О. ЗАДУНАЙСКАЯ,
ЎА мухбири.

Сўз одамни, одам ҳаётни ўзгартиради

Мустақил мамлакатимизда сийёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда илғий ислохотлар олиб борилмоқда. Бу ҳар биримиздан фикр ва ақлдан бугунги ҳаёт, мамлакатимизда юз бераётган улкан ўзгаришлар жараёни билан ҳамнафас ва ҳамдама бўлишни талаб этади. Лекин бу ҳақида ҳар кимнинг тушуниши, ҳар хил ёвуз интиқимсалар ҳориқдаги айрим марказлар ўши даврининг муваққабларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга очикдан-очик уринишмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-сийсий янгиланишлар халқимизнинг эзгу орзу-мақсадларига етиш йўлидаги яратувчанлик ишлари, эртанги кунга катта умид билан бунда этилаётган ишшоотлар, маънавий-маърифий соҳадаги ютуқларимизни халқимиз оғ-шуурига етказиш, қалбига теран синдириш бугун айниқса долзарб вазифадир.

Яқинда Миллий матбуот

марказида ижодий уюшмалар, илм-фан, маданият ва маънавият, таълим-тарбия соҳаси мустақиллик, жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ҳодимлари иштирокида маърифий-маъфурий тарбияни янада тақомиллаштириш масаласига бағишланган анжуманида бу ҳақида алоҳида таъкидланди.

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги олдидан амалга ошириладиган «Истиқболимиз — Истиқболимиз» мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирлар мажмуидан қўзланган мақсад ҳам ана шунда.

Жамоатчи тарғиботчи-широқчиликлардан иборат беш гуруҳ Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда бўлиб, аҳоли ўртасида долзарб маънавий-маърифий ва маъфурий мавзуларда маърузалар қилади, миллий истиқлол

гошининг досий тушунича ва таъбиқларини ҳаётини янгиликлар, жонли тақлидлар асосида одамларга етказди. Кейинги учрашуларда баҳс-мунозараларда аҳоли ўртасида савол-жавоблар ўтказилди.

Хозиргача уч гуруҳ Андижон, Наманган, Ферғона, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларида бўлиб қайтди. Жонли мулоқотлар, асосан чекка қишлоқ ва овулларда, шунингдек, қишлоқ туманлари марказларида ташкил этилди.

Кимки ҳаққимизнинг маънавий-маърифий, маъфурий суҳбатларга қанчалар мушук эканини билмоқчи бўлса, вилоятларга — шаҳар ва қишлоқларга йўл олинсин. Шунда бир нарсга амин бўлади: сўз одамни ўзгартиради, одам эса ҳаётини, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент давлат педагогика университети профессори, фалсафа фанлари доктори Иброҳим Каримов.

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши жамоатчи тарғиботчиларининг яна бир гуруҳи шу кунларда Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида тадбирлар ўтказилди. Кейинчалик шундай жонли мулоқотлар Қашқадарь ва Сурхондарё вилоятларида бўлиб ўтади.

(ЎзА).



1992 йил 4 январ. Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини бажаришга киришишга бағишланган тантанали маросимда қасамёд қилмоқда. (Сурат архивдан олинди).

Асрга татиғулик йиллар

Вақтни оқар дарё, лейдилар, сониялар дақиқаларга, кунларга, ойларга, асрларга айлиниб бораверади. Мана биз учинчи мингйилликда яшаб турибмиз. Кўҳна Туронда бизгача қанча авлодлар яшаган, қанчалар ёруғ ва қора кунлар рўй бермаган бу рўйи заминда. Буни энг ақли техникалар ҳам санаб улгуролмапти. Аммо XX аср интиҳосида XXI аср ибтидоси Ўзбекистон тарихида, келажак авлодлар хотирасида абадий сақланади. Мамлакат мустақил бўлди, меҳнаткаш ва танти халқимизнинг асрий орзулари ушалди. 1992 йил мамлакат ҳаётига ўзгача фазл билан кириб келди. Биз энди мўъжиза рўй бериб, ҳаёт тезда изга тушиб кетамиз, ҳадемай тўқин-сочинлик бошланади, деб ҳам ўйлаган эдик. Аммо ҳар тарафдан ўраб олган тоталитар мерос бунга йўл қўймади, зуллик билан ўнглашиш, давлатни ҳар жиҳатдан оёққа турғазиш осон ва бир зумда амалга ошириладиган тадбир эмас эди. Бироқ барибир бизнинг бу йилдаги қадамларимиз салмоқдор ва ҳал қилувчи бўлди.

1992 йил 4 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессиясида мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислам Каримов қасамёд қабул қилди:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини бажаришга киришар эканман, республикамиз халқларига садоқат билан хизмат қилишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қатъий риоя этишга, зиммамга юкланган юксак вазифаларни виждонан бажаришга қасамёд қиламан».

МУСТАҚИЛЛИК
1991 1992 1993 1994 1995 1996 1997 1998 1999 2000 2001
МУНАВВАР ЙЎЛ



Анджон туманидаги «Анджон саховати» кўп тармоқли хусусий фирмаси яқинда республика «Ташаббус 2001» кўрик-танловига талабдорлари ўртадаги ўнччи ўринни эгаллади. Корхона шу кунларда 18-20 турдаги консерва маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 80-90 фоизи Россияга ва МДХ давлатларига экспорт қилинмоқда. Шунингдек, 6-8 турда ишлаб чиқарилаётган сифатли музқаймоқ Фарғона vodiysining шаҳар ва қишлоқларига ҳам экспорт қилинмоқда. Жамоада бу йилги мавсумда 250 тонна мева, 800 тонна

сабзавотни қайта ишлаб, чет элга экспорт қилиш учун қатта тайёргарлик кўришмоқда. «Анджон саховати» фирмаси Италиянинг «Фенко» компанияси билан қўшма корхона қилиш ниютида. Шу мақсадда узаро ҳамкорлик шартномалари тузилган. Қўшма корхона қурилиш 180-200 нафар қишлоқ ёшлари иш билан таъминланади.
СУРАТДА: фирма бошлиғи Абдулхамид Тошқўжаев, **Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ** олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ФАЙЛАСУФЛАРИ МИЛЛИЙ ЖАМИЯТИ

жорий йилнинг июль-август ойларида чоп этиш учун тайёрланаётган куйидаги китоб ва рисолаларни нашр қилиш бўйича **тендер-танлов эълон қилади:**

- «Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар» (тажрибавий қўлланма) 185 бет
- «Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар» (ўрта махсус касб-хунар лицейлари учун тажрибавий дарслик) 190 бет
- «Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар» (амалий машғулотлар тўплами) 90 бет
- «Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар» (изоҳли кўرғазмали воситалар тўплами) 80 бет
- «Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар» (изоҳли луғат) 195 бет
- Гоё ва мафкура тушунчалари: мазмуни ва шакллари 21 бет
- Инсоният тарихи — гоёлар тарихидир 24 бет
- Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси 25 бет
- Марказий Осиё: гоёвий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар 21 бет
- Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти ва мафкуравий жараёнлар 21 бет
- Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият 32 бет
- Тараққиётнинг ўзбек модели 22 бет
- Миллий истиқлол гоёсининг моҳияти ва мазмуни 23 бет
- Миллий истиқлол гоёсининг асосий мақсад ва вазифалари 22 бет
- Миллий истиқлол гоёсининг амал қилиш тамойиллари 23 бет
- Эгу гоёлар: Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ фаровонлиги, Комил инсон, Илҳомий ҳамкорлик, Миллатлараро ҳамжихатлик, Диний бағрикенглик 35 бет
- Миллий истиқлол гоёсини халқимиз оғинга синг дириш омиллари ва воситалари 22 бет
- Гоёвий тарбиянинг усуллари ва йўллари 22 бет

Тендер-танловда қатнашиш ёки ушбу китоб ва рисолаларни харид қилишни хоҳлаётганлар шартномалар тузиш ва буюртмалар бериш учун куйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин:

Республика файласуфлари миллий жамияти, 700078, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони-5. Телефон: 139-17-31.

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ

Танлов сони № 11. Эълон қилинган кун 2001 йил 30 май

Осиё Ривожланиш Банкнинг 1595 (МЖ)-ЎЗБ рақамли кредити бўйича амалга оширилаётган «Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларининг нашр этиш тизимини такомиллаштириш» лойиҳаси доирасида Халқ таълими вазирлиги умумтаълим мактаблари учун ижара усули асосида дарсликлар харид қилиш мақсадида танлов эълон қилади.

- Ўзбекистон Республикаси Осиё Ривожланиш Банки билан «Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларининг нашр этиш тизимини такомиллаштириш» лойиҳаси доирасида умумтаълим мактаблари учун дарсликлар харид қилишга маблағ ажратилиши тўғрисида келишилган.
 - Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (Харидор) умумтаълим мактаблари учун харид қилинадиган дарсликларни танлов ҳужжатларининг IV-бобида белгиланган тарзда чоп этиш, бутлаш, маркировка қилиш бўйича танловда қатнашиш учун барча нашриётлар ва фирмаларни таклиф этади.
 - Танловда қатнашиш истагини билдирган барча иштирокчилар куйидаги манзилдан қўшимча маълумот олишлари мумкин:
- Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи, лойиҳа менежери Г.Ш.Тугеевага, 700027, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 80-уй, «Ўқитувчилар уйи», 311-хона. Алоқа учун телефон (998-71) 139-15-73, факс (998-71) 139-15-71, эл. почтаси: uzbpiu@globalnet.uz
- Танлов ҳужжатларининг тўлиқ тўпламини олиш учун танлов иштирокчилари 3-бандда кўрсатилган манзилга мурожаат қилишлари ва Халқ таълими вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Марказий амалиёт бўлимидаги 20203000100101044001 сонли ҳисоб рақамига 300 АҚШ долларининг сўмдаги эквивалентига тенг бўлган қийматини ўтказганликларини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда корхонанинг ишонч хатини тавсия этишлари зарур бўлади.
 - Барча таклифлар танлов таклифининг умумий қийматидан 2 фоизини ташкил этадиган таклиф кафолати билан бирга 2001 йилнинг 29 июн соат 10.00 гача топширилиши шарт.
 - Танлов таклифлари 2001 йил 29 июн соат 10.30 да Тошкент шаҳар, Мустақиллик майдони, 5-уй, 5-қават, Халқ таълими вазирлигининг кичик мажлислар залида барча иштирокчилар вакиллари вакилларида ошқора қилинади.
 - Таклифининг умумий қийматидан 2 фоизини ташкил этган таклиф кафолатини 2001 йил 29 июн соат 10.00 гача тавсия эълонмаган танлов иштирокчилари танловда қатнаша олмайдилар.
 - Халқ таълими вазирлиги танлов таклифларини тайёрлаш жараёнида иштирокчиларнинг сарф этган харажатларини тўлаш мажбуриятини олмайди.

Қишлоқ спорти

ҲАР МАҲАЛЛАГА БИР СТАДИОН

Ўтган йилнинг баҳорида «Бўзсув» қишлоқ фуқаролар йиғини яхши бир ташаббус билан чиқди. Худуддаги барча маҳаллаларда футбол стадионлари барпо этилиб, узаро мусобақалар ўтказиш йўлга қўйса! Наҳажа ёмон бўлмади. Ҳозирча қишлоқ футболчилари довуқ қозонишмаган бўлса-да, ҳар бир маҳаллада жамоалар шаклланди. Қаровисиз ётган стадионлар тартибга келтирилди, янгилари бунёд этилди.

— Асли мақсад ҳам шу эди, — дейди фуқаролар йиғини раиси Туроб Ваҳобов. — Ёшларни спортга қизиқтиришда энг оммавий ҳисобланган футболнинг

роли катта. Бу йилнинг ҳамма қизиқиб томоша қилишини айтмайсизми. Уйинлар буладиган кунни стадионга барча маҳаллалардан ишқибозлар етиб келишади.

Футбол туртки бўлди-ю, спортнинг бошқа турлари ҳам анча жонлиб қолди. Бунда мавjud мактаблардаги имкониятлардан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, 21-мактабда бокс ва тэквондо, 19-мактабда кураш тугарақлари пайдо бўлди. Ҳафтанинг маълум кунлари мактабларнинг спорт заллари шуғулланувчилар ихтиёрига берилади.

— Менинг икки нафар неварам 21-ўрта мактабда ўқийди, — дейди «Деҳқон-

обод» маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийиси Мухтор ота Исмоилов. — Кичик неварам бир неча ойдирки, малакали мураббий раҳбарлигида бокс билан шуғулланаётти. Ажабмас, келажакда ажойиб спортчи бўлиб етишса.

Излаган имкон топади, деганларидек фуқаролар йиғини қишлоқ спортини ривожлантиришга оз бўлса-да ёрдам бераётти. Жорий йилда худуддаги ўрта мактабларга спорт анжомлари сотиб олиш учун 100 минг сўмдан пул ажратилгани фикримизнинг далилидир.

Ойбек АБДУРАҲМОНОВ,
Зангиота тумани.

INVITATION FOR BIDS (TWO STAGE BIDS) PROVISION OF GOODS AND SERVICES FOR THE SUPPLY, INSTALLATION, SECURITY AND SUPPORT OF THE BANKING TELECOMMUNICATION NETWORK FOR THE CENTRAL BANK AND COMMERCIAL BANKS WITHIN THE FINANCIAL SECTOR INFORMATION SYSTEM (FSIS) OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Date of issuance of IFB: 28 May 2001
Loan No.: 4479UZ
IFB No.: 2001/1

- The Republic of Uzbekistan has received a loan from the International Bank for Reconstruction and Development (the World Bank) in various currencies towards the cost of the Financial Institution Building Project (FIBL). It is intended that part of the proceeds of this loan will be applied to eligible payments under the contract "Provision of Goods and Services for the Supply, Installation, Security and Support of the Banking Telecommunications Network for the Central Bank and commercial Banks within the Financial Sector Information System (FSIS) of the Republic of Uzbekistan" IFB No 2001/1.
- The Financial Sector Development Agency of the Republic of Uzbekistan (FSDA) now invites sealed bids from eligible bidders for the "Provision of Goods and Services for the Supply, Installation, Security and Support of the Banking Telecommunications Network for the Central Bank and commercial Banks within the Financial Sector Information System (FSIS) of the Republic of Uzbekistan" IFB No2001/1.
- Interested eligible bidders may obtain further information from and inspect the Bidding Documents at the office of The Financial Sector Development Agency, Mr Bakhrom Mirkamilov, Director, at: Uzbekistan Avenue, 6, 700001 Tashkent, Uzbekistan, Tel: (998-71) 132 1103, Fax: (998-71) 133 8341, Email: fibl@online.ru. The Bidding Documents are expected to be available after 4 June 2001.
- A complete set of Bidding Documents may be purchased by interested bidders by submission of a written application to the above and upon payment of a non-refundable fee of US Dollar Two Hundred and Fifty (250.00). The Agency of the Republic of Uzbekistan with Asaka Bank, Nukus Street 67, 700015 Tashkent, Uzbekistan, Swift Code ASBKUZ 22, Correspondent Bank account 36125577 with Citibank N.Y. Swift Code CITIUS 33. The documents will be sent by registered airmail for overseas delivery and registered surface mail for local delivery. Overseas Bidders wishing to receive the documents by courier service should explicitly request courier service in their written application and increase the above nonrefundable fee payment to US Dollar Three Hundred (300.00).
- Bidding will be conducted under the International Competitive Bidding (ICB) procedures specified in the World Bank Guidelines: Procurement under IBRD Loans and IDA Credits and is open to all Bidders from eligible source countries as defined in the Guidelines, which meet the following minimum qualification criteria:
 - minimum five years experience in providing similar technological solutions including software and financial institution integration systems development;
 - minimum annual turnover of US\$ 5,000,000 in the last three years;
 - delivery, installation and maintenance of at least two countrywide telecommunications networks in the last 2 years;
 - Experience in integrating security features into networks
 - Experience of providing systems within emerging or transition economies
- A two stage bidding procedure will be followed. The first stage bid will consist of:
 - a technical bid only, without any reference to prices;
 - any alternative solutions a Bidder wishes to offer and technical justification therefor, provided that such alternative solutions do not change the basic objective of the project.
- First stage technical bids must be delivered on or before 10:00 on 30 July 2001 and will be opened in the presence of bidders or their representatives who choose to attend at 10:00 on 30 July 2001 at the offices of The Financial Sector Development Agency, Uzbekistan Avenue, 6, 700001 Tashkent, Uzbekistan.
- Following evaluation of the first stage bids, the Purchaser will invite each Bidder who meets the qualification criteria and who has submitted a technically acceptable first stage bid to a Clarification Meeting, during which the Bidder's bid will be reviewed and all required changes will be noted and recorded in the Minutes of the meeting or in the amended stage two bidding documents. Only qualified Bidders submitting a complete and technically acceptable first stage bid will be invited to submit a second stage bid.
- Second stage bids will consist of
 - updated technical bids incorporating all changes required by the Purchaser as recorded in the Minutes of the Clarification Meeting or necessary to reflect any amendment(s) to the Bidding Documents or revisions to the technical specifications issued subsequent to submission of first stage bids, and
 - the commercial bids containing complete Price Schedules.
- Second stage bids must be delivered to the above office at the date and time to be announced when the second stage bids are invited and will be opened in public immediately thereafter in the presence of the representatives of Bidders who have been invited to submit second stage bids and who choose to attend.
- All second stage bids must be accompanied by a security of one hundred and fifty thousands United States Dollars (US\$ 150,000.00) in the form of a bank guarantee or irrevocable Letter of Credit issued by a correspondent bank of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan or confirmed by such bank.

РАҚОБАТ ИЗЛАНИШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Олмаликда шаҳар йўловчи ташини транспорти ходимларининг республика анжумани бўлиб ўтди. Анжуманининг айнаи Олмалик шаҳрида ўтказилгани бежиз эмас. Негаки, шаҳарда йўловчиларга халқимиз ҳамда замонавий транспорт хизмати кўрсатиш борасида лойиҳани тажриба тўплаган ва у соҳадаги мавjud муаммоларни бартараф этишда қўл келиши мумкин.

Бугун олмаликлик йўловчиларга шаҳар автобус-такси саройи ҳамда учта масъулияти чекланган жамият хизмат қилмоқда. Улар фаолиятини мувофиқлаштириш ва хизмат кўрсатиш савиясини ошириш мақсадида шаҳар ҳокимлиги лойиҳа «Олмалик транспорти» бошқармаси ташкил этилган. Шаҳардаги барча йўналишлар ҳар йили тендер савдога қўйилди ва гоиллар ихтиёрига берилади.

Бироқ кўпгина шаҳарларимизда бўлгани каби, Олмаликда ҳам автокорхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги автоуловлар ва эҳтиёт қисملар харид қилиш, хусусий юк ва ўқитиш ва фаолиятини қайта ўқитиш ва фаолиятини лицензиялаш, ҳаракатланган халқимизнинг таъминлаш билан боғлиқ муаммолар талайгина.

Автокорхоналар ва хусусий йўловчи ташувчилар хизмат қилмаган йўналишларда ўзгаларнинг суқилиб кираётгани, аксарият шахсий автомобил эгалари ҳамон махсус рухсатномасиз йўловчи ташини билан шуғулланаётгани аниқланди. Бу ҳол йўловчи ташувчиларга ва йўловчилар ҳуқуқини тўла таъминлашда қийинчилик туғдириб, ҳайдовчилар ўртасида мождорлар келтириб чиқармоқда.

Семинар-кенгашда «Ўзавтотранс» Давлат корпорацияси ва «Товшаҳар йўловчи транс» Давлат уюшмаси корхоналари ҳамда хусусий йўловчи ташини уюшмалари фаолиятидаги ютуқ ва муаммолар жиддий таҳлил қилинди. Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишнинг замонавий усулларини жорий қилиш, очик тендер савдоларини мунтазам ўтказиб бериш, назоратни кучайтириш зарурлиги ҳақида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Нукус каби яirik шаҳарларда аҳолига транспорт хизмати кўрсатишнинг аҳоли қонқарли эмас. Аксарият кичик шаҳарларда эса бу вазифа билан воясан хусусий транспорт эгалари шуғулланмоқда. Шу боис семинар-кенгашда йўловчи ташин билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорлар фаолиятини лицензиялаш тартибини қайтадан кўриб чиқиш таклифи билдирилди. Соҳадаги ишлар савиясини оширишга қаратилган зарур тавсиялар ишлаб чиқилди.

Н. ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.

«ЎЗГҮШТ СЎТ САНОВАТ» акциядорлик уюшмаси

Давлат кузатув кенгаши 2001 йил 30 июн соат 11.00да уюшманинг маъмурий биноси мажлислар залида акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

- Уюшма раисининг 2000 йил бўйича уюшма фаолияти ва молиявий аҳоли тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
- Уюшма ташқи аудиторинининг ҳисоботини тасдиқлаш.
- Уюшма тафтиш комиссиясининг 2000 йил балансига тегишли ҳисоботини тасдиқлаш.
- Уюшманинг 2000 йилдаги баланси ҳамда фойда ва зарарлар бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
- Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
- Уюшманинг 2001 йилга ташқи аудиторини сайлаш.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш 30 июн кунини соат 9.00да бошланади. Уюшма манзили: Тошкент ш, Кох-ота к., 75-уй. Телефонлар: 41-31-42, 144-37-35.

Кузатув кенгаши.

Ўқинг, ўқинг...

Азиз газетхонлар! Сиз билан янада яқинлашиш, фикрлашиш, ўзаро ҳамкорлик қилиш мақсадида 4-саҳифанинг «Ўқинг, ўқинг...» рўқни ташкил этдик. Унда Сиз азизлар уч соволимизга самимий, чин дилдан жавоб қайтаришингиз лозим бўлади.

- 1. Сизга қайси мавзулар ёқади?
2. Саҳифамиз орқали кимлар билан суҳбат қуришни хоҳлайсиз?
3. Ўзингиз кулгули воқеа, ҳодиса, сўз ўйинлари, латифа-ю ҳажвияларингиз, ёшларга ибрат бўлгувчи таассуротлар, ғаройиб фотосурат, карикатуралар, машҳур инсонлар ҳаётига оид қизиқарли воқеаларни саҳифамизга тақдим эта olasизми?

Бизга қисқа, аниқ, лўнда жавоб йўллаганлар 4-саҳифанинг азиз мەхмони бўлишоди. Биз сизни нафақат ўқишга, балки ўқишга, фикрлашга даъват этамиз.

Ҳангомалар



Ховос ҳусайнис

Бозорни айланиб юрган бир гулистонлик киши олмаларни, қовун ва тарвузларни, ноқлар ва анорларни кўздан кечирди. Сўнгра ховослик дўкончига юзланиб, негалар кўнгли тўлмаган холда деди:
— Булар намунача майда? Мен катталарини ҳам кўп кўрганман. Чамамда, парваршиш кўнглидагилек бўлмаганга ўхшайди...
Ховослик эсанқирамади, қўлига узун-узун баклажонларни олди-да, ўша димоғдор гулистонликдан сўради:
— Мана бу нима, биласизми?
— Болринг, — деди гулистонлик.
— Билмас экансиз, — деди ховослик. — Бу нарса болринг эмас, Ховоснинг ҳусайнисини!..

Айбдорлар қолмади

Алижон ака Жураев Жиззах вилоят ижрокумида аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш бўлимининг мудири бўлиб ишларди. Ажойиб инсон: ҳеч кимнинг дилини оғритгиси келмайти, ҳаммага баравар, ҳамма билан дилкаш... Шунинг учун гаплари афандинамо.
Бир фермер келиб, унга шикоят қилди:
— Кўшни хўжалик менга берилган ерни тортиб олди. Ҳўкм чиқариб беринг, ким ҳақ?
— Сиз ҳақсиз, сиз, — деди Алижон ака.
Шикоятчи кетган, ўша хўжалик раҳбари келди ва Алижон акага мақсадини тўқиб солди:
— Бу одам ўзбошимчилик қилиб ерни ўзига қайириб олган экан. Ҳўзир тортиб олаймиз. Энди айтингни, ким ҳақ: менми ёки уни?
— Ҳўзир дунёда айбдорлар қолмади, — деди Алижон Отақулович. — Сиз ҳам ҳақсиз.

Иккинчи шикоятчи ҳам кетган, ичкаридан шу бўлимининг ходимаси Замира Бобоеванова овози эшитилди:
— Алижон ака, унисига ҳам «ҳақсиз» дедингиз. Бунисига ҳам шундай дедингиз. Эртга иккаласи баравар келиб, ёқангиздан олса, нима дедисиз?
Алижон ака унга жавоб қайтарди:
— Синглим, сен ҳам ҳақсан.
Дўст МУҲАММАД.

Дил изҳори

Адолатнинг ширин меваси

Мен тест ҳақида дастлаб ўрта мактабнинг 9-10 синфда ўқиб юрганманда 1992-1993 йилларда эшитганман.
1994 йил июн ойида яхши ниятлар қилиб Абдулла Қодирий номи Жиззах давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ҳужжат топширдим. Институтда ўқинишга аҳд қилганим, лекин ишончим унчалик эмас эди. Чўнки, тестнинг мўъжизавий қудратини ҳали кўрмагандим-да.

Биринчи август. Юрак тўла ҳаяжон билан туналар тушларимга кириб чиққан институт томон йўл олдим. Шу кун институт ва абитуриентлар, мактаб ўқитувчиларидан тузилган назоратчилар ихтиёрига берилди. Тест варақасида абитуриентнинг ўзини маълум рақами бўлар экан. Шундай ҳолатда кўнглимда осудалик пайдо бўлди, ҳақиқатга ва ўзимга бўлган ишончим мустаҳкамланди. Ниҳоят, орзиқиб кутилган кун келди. Институтдаги тест натижалари ёзилган табло атрофи тирбанд.

Абитуриентлар, уларнинг ота-оналаридан иборат «оломон»ни ёриб ўтиб, таблога яқинлашдим. Не кўз билан кўрайки, рўйхатнинг биринчи қаторида менинг рақамим турибди. Хурсандлигимдан ёнимда турганларга қарата «онажон» деб юборибман, дедим. Уйга ҳам учиб келдим, чамаси. Ҳа, мендай бир оддий қизга омад кулиб боққандлиги тасовуф эмасди. Бу Президентимизнинг бевосита ташаббуслари тўғрисида жорий этилган адолатнинг ширин меваси эди.

Хулоса қиладиган бўлсак, тест — адолат мезони, тарозисин. Лекин энг яхши тарозига ҳам моҳир тарозибон керак. Давлат тест маркази ходимлари шундай моҳир тарозибонлардир.

Азиз абитуриентлар, Ушбу дил сўзларим орқали сизларга мурожаат қилмоқчиман. Ўқинг! Яхши ўқинг! Токи тест натижаларини кўрганнгизда сизнинг ҳам кўзларингиздан қувонч ёшлари қалқиб чиқсин!

Зўхра МАМАДАЛИЕВА, Жиззах вилояти.

ҲИКМАТ

Гавҳарни тошга урманг.



Спорт саломатлигини, инсоннинг иродасини мустаҳкамлайди. Янги-янги марраларга чорлайди.

Сиз суратда кўриб турган Фаизмурод Бекмирзаев ўз шогирдларига спорт сирларини ўргатаркан ана шу сўзларни кўп такрорлайди. У 32 йилдан бери Жиззах туманида 16-ўрта мактабда ёшларга жисмоний тарбиядан сабоқ бериб келмоқда. Шогирдлар натижалари ҳам чакки эмас. Ўқоридаги суратда эса ёш шахматчи, Ўзбекистон чемпиони Юлдаз Ҳамроқуловани кўриб турибсиз. Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Бу дунё сирлари

Ишонасизми, чўмоли еган оламнинг мияса бошқаларидан яхши ишлар экан. Негаки, чўмоли лўқулда улкан қимматли модда бўлиб, у мия фаволигини ахшилайди. Бундай ҳолини Дания олимлари исботлаган экан.

Кабутарлар боласини қандай боқадил? Биласизми, улар полонларини сут билан боқаркан. Маълумки, кабутарларда сут безлари бўлмайди. Дунёга қалган полонлар тумшукларини онасининг оғзига тикидилар-да, у ердан сут эмадилар. Полонлар дунёга келишдан бир неча кун олдин она кабутарнинг бўғизда сут пайло бўлади. Уни озуқа ёки «кўш сут» деб атайдилар. Полонлар дастлабки кунлари шу сут билан тамадди қилинади. Бу озуқа уй кабутарларида 18 кунгача, дала кабутарларида эса бундан ҳам узокроқ вақтга етади.

Илҳомбахш лаҳза

МУҲЖИЗА

Муҳаммад Нозим Одил ал-Ҳаққонийнинг Чорбақр ёдгорликлар мажмуида айтганлари

Гарчи мен ҳўзирда кекса ёшдаман, Кездим ва кезаялман бу олам аро Бу сафар не баҳру уммонлар оша, Зиёратингга келдим, гўзал Бухоро.

Ислол оламнинг эй шариф шаҳри, Муслим аҳли учун сен — қутлўғ даргоҳ. Хокинда яшаган буюк пирларнинг Рўҳлари бошингда уйғоқ ва оғоҳ.

Ҳолбуки, дунёнинг қай бир бурчида, Баъзи ёдгорликлар бўлмоқда гўраг. Барбодлик келтирмас шўхрат ҳеч кимга, Жоҳилларга ўқир авлодлар лаънат.

Ота-боболарнинг хоку тупроғини, Шундай эъзозлаган ўзбек бор бўлсин. Эли обод бўлсин, йўллари ёруғ, Уни кўролмаган душман хор бўлсин.

Ишиоолло, ният ижобат бўлғай, Бу эга ёғилар файзу фазилат. Ушбу эзу ишга раҳнамо бўлган, Юртнинг раҳбарига офарин, раҳмат!

Оққа кўчирувчи: Ғулом ШОМУРОД.

«ХАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, С. МУҲИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодий — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минакалар — 136-29-89; 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 2415, 26127 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида термид хамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Набатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Набатчи муҳаррир — Қ. ЭШМАТОВ. Набатчи — О. РАЖАВОВ. Мусоҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилади — 23.00 1 2 3 4 5 6

Раҳбарлар, эътибор беринг Навбаҳор мададга зор

Қибрай туманининг Байтўрғон қишлоғига қарашли Навбаҳор маҳалласи Чирчиқ шаҳрига тутилиб кетган. Заҳарик ва Хонариқ ўртасида жойлашган. Ташкил топганига 30 йилдан ошган. Аммо кўчаларимизни ўқир-қўқирлиги боис бу ерда автобус, маршутка тақсимлар келмайди. Озиқ-овқат дўкон, чойхона, пойабзал устaxonаси, маориф ва маданият уйи, ёшлар дам олиш жойи, спорт майдончаси ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Болалар боғчаси ёпилиб, айрим кишиларга яшаш учун тақсимлаб берилган. Ногаҳон «Тез ёрдам» машинасини ёки милицияни чақирин зарур бўлиб қолса, телефон топилмайди. Биттагина амбулатория бор. Унда 110 хонадонга хизмат кўрсатувчи ҳамширадан бўлак шифокор ишламайди.

Энг оғир муаммоларимиздан бири ичимлик ва оқар сув масаласидир. Турт-беш йилдан бундан сув ўтказгич қурувлар орқали оқиб турган оби-ҳаёт келмай қолган. Заҳарик ва Хонариқ дегарки қуригани тўғрисида экин-тиқинларимизни вақтида сўзгөрмалаямиш. Ҳўзир ҳам томорқаларимиз тап-тақир бўлиб ётибди. Бу ҳақда кўп жойларга мурожаат қилдик. Бирок натижа йўқ. Бизни тинчитиш учун баъзи икки-уч кунгина сув берилади, шундан ҳам боьги ариқлардан, тозаланмасан ҳолда узатилмади. Бу на экология талабларига, на мусулмончиликка тўғри келмади.

Бизни бир савол қуқур ўйлантиради: Қибрайда маҳалламиз аҳли арз-додини тинглайдисан, муаммоларимизни ҳал этишда ақлдан ёрдам берадисан мутаассадди бормикин? Дунан раҳбарлари қачон бу ҳақда жавобий уйлаб кўришаркин?

Маҳалла аҳли номидан: Ҳожа НОРМАТОВА, нафақадор.



Жумбоқ:

Қандай уч соннинг кўпайтмаси 1га тенг?

Азиз муштарий! Тахририятимизга йўллаган хат-хабарларингиз, телефон кўнгирақларингиздан маълум бўлдики, сиз «Жумбоқ»ларимизни соғинависиз. Уларни эна бериб беришни ният қилдик. 136-29-89 телефони орқали жавобларингизни кутамиз. Табиийки, тезкор жавоб берганларнинг номини эълон қилиб борамиз.

Сўранг, жавобини айтаман Текинга уй бериладими?

Оилада етти жонмиз. Мактабда муаллим бўлиб ишлайман. Эшитимча бизга ўхшаб, хонадонда кўпчилик яшаётган ўқитувчиларга давлат томонидан текинга уй берилармиш. Шу тўғрими?

Ш. АЛИЕВ, Самарқанд шаҳри.

Йўқ, ундай эмас. «Уй-жой кодекс»нинг 19-моддасида кўрсатилишича, қуйидаги ҳолатларда текин уйли бўлиш мумкин. Яъни, турар жойлари авария ҳолатида эканлиги ёки табиий офатдан зарар кўрганлиги белгиланган тартибда тан олинган фуқароларга Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда текинга уй-жой берилади.

ИИБ Матбуот маркази хабар қилади

«Оқ ажал» йўлига тўсиқ қўйилди

Нопок шахслар гнёҳвандлик моддаларини ўтказишнинг минг бир усулини уйлаб топиб, турли хилда ишлатсаларда, уларнинг қўлимшлари ички ишлар идоралари ходимлари томонидан фош этилаётди. Яқинда Бухоро вилояти ИИБ давлат автомобиль назорати бошқармаси ходимлари томонидан Сурхондарё вилоятидан Нукус шаҳрига йўл олган фуқаро Тўйчи Рўзиёев бошқарувидаги «КамАЗ» русумли юк машинаси тўхта-тилди. У текширилганида бир қарашла ҳеч қандай шўбха уйғотмади. Бироқ «Дик» лақабли хизмат ити машинанинг юкхонаси остида жойлашган баллонга яқинлашганида ҳай-довчининг эси чиқмади.

Талончилик

Соат 23 дан 30 дақиқа ўтганда ўзининг гаразли ниятини амалга оширишга от-ланган Самарқанд шаҳрида яшовчи А.Рафиқ биринчи уч-раган «Жигули»ни тўхтатади. Ҳайдовчи Ж.Тоирнинг сам-миллети ва соддалигини кўриб, ўз режасини оғзинга амалга оширмоқчи бўлади. Машина хилватроқ жойга бу-ририлганда, пайт пойлаб, ҳай-довчига мушт туширади. Кейин зарбон довараб қол-ган Тоирни кўрkitиб, қўли-даги узуги ва 3 донга аудио кассеталарини олиб воқеа жойидан яширинади. Ички

Машина ўғрилари

Тошкент шаҳрининг Сирғани тумани Қуруччи-лар маззасида жойлашган автобекат олинди. Андижон вилояти Балқич тумани-да яшовчи Д.Норин томи-нидан қаровсиз қолдирил-ган «Тик» русумли авто-машинасини хайлаб қочил-ганлиги ҳақида ИИБга ха-бар келди. Шундан кейин дарров ишга киришилди. Натияжада ушбу жиноятни содир этган Зағнота ту-манида яшовчи У.Қосим ушланди. Автомашина тех-ник соз ҳолатда эгасига қай-тарилди.

Шунингдек, Андижон шаҳрида куппа кундузи номаълум шахслар В.Мах-маднинг «Ваз-2103» русум-ли машинасини хайлаб қоч-чилади. Тезкор табири-лар натижасида С.Умар ва Э.Қамбарлар жиноят усти-да ушланди.

Шерали АНВАРОВ, ИИБ Матбуот маркази инспектори, милиция лейтенанти.

«GO'SHT VA GO'SHT MAHSULOTLARI BOZORI» ОАЖ тугатилмоқда, ОКПО коди 18026193. Даъволар 2 ой мобайнида 49-44-26 телефони орқали қабул қилинади.

- Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги раҳбарияти, касба уюшмаси кўнглини ва жамоаси Иқтисодий қадрлар бўлими бошлиғи Аҳмадхон Раҳимовга отаси. Илҳом ота РАҲИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
Тошкент КИМ-технология институтини маълумияти ва жамоаси институт проректори Патхулла Исметуллаевага отаси. МАСУДА аянинг вафоти тўғрисида чуқур таъзия изҳор этади.
Тошкент Давлат техника университети жамоаси электроника, автоматика ва ҳисоблаш техникаси факультети деканининг муовини, доцент Шавкат Шойсломов ва саноат иссиқлик энергетикаси кафедраси мудири, доцент Алишер Шойсломовларга отаси. МУАЗЗАМ аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисодий институтини жамоаси етакчи илмий ходим, иқтисод фанлари доктори, профессор А.С. Сафоевга қизи. НИГОР аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
«Ўзқинжолқўжалликчи» Давлат акциядорлик компанияси жамоаси компания юридик ва қадрлар хизматининг бошлиғи Рашид Қўзибоевга отаси. АТХМ ҚУЗИБОЕВнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институтини ректорининг клиника ва жамоат ташкилотлари, фармакология кафедраси жамоаси шу кафедра профессори, тиббиёт фанлари доктори Бахтиёр Шойсломовга отаси. МУАЗЗАМ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Оромгоҳлар, соғломлаштириш лагерлари, шифохоналар, ётоқхоналар раҳбарлари диққатига! Кенг ассортиментда, ишлаб чиқарувчи омбуҳонасидан ЧОЙШАБЛАР бир ётоқдан чойшаб 203 x 120 ва 203 x 130; кўрпа жилди 215 x 143; ёстиқ жилди 50 x 50 ва 60 x 60. икки ётоқдан чойшаб 214 x 130; кўрпа жилди 215 x 153; ёстиқ жилди 60 x 60. шунингдек: сочиқлар 85 x 50; буюртмангизга кўра махсус иш кийимлари тақлиф этилади. Тел.: 191-47-41, 191-80-94, факс 191-74-63.

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКISTON МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ (СОБИҚ Тошкент давлат университети) ФИЗИКА ФАКУЛЬТЕТИНИ 1971 йилда тугатганлар 2001 йил 9 июн соат 11.00га ЎЗБЕКISTON МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ФИЗИКА ФАКУЛЬТЕТИГА (215 ХОНА) КУРСДОШЛАР УЧРАШУВИГА ЛУТФАН ТАКЛИФ ЭТИЛАДИЛАР. Маълумот учун тел.: 46-08-94, 144-73-07. Ташкилий қўмита.